



Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла аниқ йўнаштирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази, шунингдек, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимига айланган.

Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда улкан ўзгаришларни амалга оширишда асосий эътибор марказлаштирилган маъмурий буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, аввалоамбор, қонунчилик базасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.



ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ДАВЛАТ РАҚБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг 2011 йил 14-15 июнь кунлари Остона шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКISTONГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 13 июнь куни амалий ташир билан мамлакатимизга келди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев ўртасида қисқача суҳбат бўлиб ўтди.

Ушбу ташир икки томонлама ҳамкорликка оид кенг қўламли масалалар юзасидан мунтазам учрашувлар ўтказиб турадиган Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг ўзаро ишонч ва очкилик руҳидаги аънаввий сиёсий мулоқоти доирасида ташкил этилмоқда.

14 июнь куни бўлиб ўтадиган музокараларда жаҳон молиявий иқтисодий инқирозига қарамасдан барқарор мустаҳкамлаб бораётган ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларга алоҳида эътибор қаратилди. 2010 йилда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми қарийб 1,5 баробар ўсиб, 6,4 миллиард АҚШ долларига етди. Жорий йилда ҳам шундай динамика кузатилмоқда.

(ЎЗА)

Фракция фаолияти



Муроабек ЭИЭ олган сурат.

Партия позициясидан келиб чиқиб депутатлар ўз таклифларини илгари сурди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент қуйи палатаси муҳокамага киритилаётган қатор масалалар муҳокама этилди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси муҳокамага олиб чиқилган «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Биринчи ўқишда киритилган мазкур лойиҳага қўра, давлат статистика идораларига ҳисобот топшириш барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун мажбурий характерга эга экани аниқ белгиланмоқда.

Топширилаётган ҳисоботларнинг давлат статистика органлари томонидан текшириш ҳақидаги меъёр чиқари-

либ, ҳисоботни экспертиза қилиш ваколатини белгилаш таклиф этилмоқда. Фракция аъзолари экспертиза ҳолис ташкилот ёки мустақил экспертлар, олимлар томонидан ўтказилиши мумкинлигини таъкидлашди. Шу сабабли ҳисобот қабул қилувчи органнинг топширилаётган ҳисоботни экспертизадан ўтказиш ҳақидаги меъёрни яна бир бор ўйлаб қўриш ва такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

«Тугатишга доир иш юритишнинг айрим тартиб-қоидаларини ўтказиш мuddатларини тезлаштиришга йўналтирилган «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республи-

каси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди. Мазкур лойиҳадан қўзланган мақсад паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб этиш, қарздор бўлган мулкдорларни алмаштириш ҳамда барқарор иш ўринларини яратишдан иборатдир. Шунингдек, банкротлик таомилни ўтказиш мuddатини, кредиторларнинг биринчи йиғилиши билан суд мажлиси ўртасидаги мuddатини, суд ҳужжатлари ҳақидаги маълумотларни матбуотда эълон қилиш мuddатини, қарздор корхона мулкчини сотишда қимомши савдоларини ўтказиш мuddатини қисқартириш ҳамда корхонани тижорат банкларига қисқа мuddатда ўтказиш бўйича янги меъёрлар белгиланмоқда.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси лицензиялаш тартиб-қоидаларини соддалаштириш ва енгиллаштириш, мазкур тартиб қоидаларининг самарадорлигини ошириш мақсадида киритилган. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулайлик яратиш мақсадида лицензия олиш жараёнидаги молиявий юк қайтарилиши, лицензия бериш тўғрисидаги аризани қўриб чиқиш харажатлари лицензияланган фаолият турига қараб қисқартирилмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, улар фаолияти учун янада қулай шарт-шароит яратишга хизмат қилади.

⇒ 2

Фуқаролик жамиятининг муҳим институти

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар бугун Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётида алоҳида ўринга эга бўлиб, бу борада кўплаб вазифаларни бажармоқда, мамлакатимизда кенг қўламли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни самарали амалга оширишга қўмақлашмоқда. «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан сўров натижалари буни яна бир қарра тасдиқлади.

Ушбу ижтимоий сўров айни пайтда амалдаги қонунчиликка мувофиқ маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига бўлаётган сайлов муносабати билан ўтказилди. Тадқиқотдан қўзланган мақсад аҳолининг сайловни ўтказиш тартиби ва жараёнидан қай даражада хабардорлигини, унинг электорал фаоллиги-

ни, шунингдек, қутилаётган ижтимоий натижаларни аниқлашдан иборат эди. Сўровда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари аҳолиси — турли миллат ва ёшга мансуб, турли маълумот ва касбга эга бўлган эркаклар, хотин-қизлар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)

Газетада босилган танқидий мақолага жавоб келди... Жавоб келмади

ХОЛИС танқиддан, хулоса

чиқарилса, камчиликлар бартараф этилади, бундан одамлар ҳам, жамият ҳам фақат фойда қўради ⇒ 2

Демократик ислохотларни чуқурлаштириш

жараёнида оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этиши учун ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланмоқда ⇒ 2

Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият ⇒ 3



Транспортдан тўғри фойдаланиш ҳар бир ҳайдовчининг бурчидир ⇒ 4

Эътироф

Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Меҳмондўст халқингиз, қадимий ва замонавий мезморчилик аъналарини ўзида мужассам этган гўзал шаҳарларингиз менда катта таассурот қолдирди. Шарқона одоб, бағрикенглик, меҳнатсеварлик ва салимийлик каби фазилатлар инсонни улуглашга хизмат қилишни халқингиз қиёфасида яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон — буюк аждодларига муносиб тарзда улуг мақсад ва вазифалар билан буюк келажак сари дадил одимлаётган мамлакат. Тошкент, Бухоро ва Самарқандда бўлиб, тарихан қисқа вақт ичида шунчалик улкан ишлар амалга оширилганидан хайратландим. Энг муҳими, бундай ўзгариш, янгилик жараёнларида инсон манфаатлари, унинг фаровонлигини ошириш асосий устувор мақсад қилиб қўйилган. Буларнинг барчаси мамлакатингиз танлаб олган мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри эканининг ёрқин тасдиғидир».

Брис МАРТИН, (Бельгия)

Янгиликлар

Янги режалар белгиланди

Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасидан келиб чиққан ҳолда нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг, жумладан, жамоат фонднинг олдида турган вазифалар, шунингдек, фонд ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар, йўл қўйган камчиликлар атрофида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисида ҳамгарма бошқаруви раиси эътиборли Мирзаахмедов тасдиқланди.

Назарқишлоқликлар учун уйлар

Жомбой туманининг Назарқишлоқда «Қишлоққурилиш-инвест» буюртмасига асосан 3 та янги замонавий коттеж бунёд этилмоқда. Савдо, маиший хизмат кўрсатиш масканлари, спорт майдонлари ва маҳалла марказини ўз ичига олган қурилиш «Кристалл Жомбой қурилиши» корхонаси қурувчилари томонидан амалга оширилмоқда.

— Бу маскан ва бошқа мажмуалар Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан фойдаланишга топширилади, — дейди корхона раҳбари Олим Рашидов.

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 YIL 14 IYUNDAN BO'SHLAB XORIJIY VALYUTALARINING S'UMGA NISBATAN BELGILAGAN QIYMATI

1 Австралия доллари	1801,03	1 Миср фунти	287,60	1 СДР	2740,25	10 Жанубий Корея вони	15,73
1 Англия фунт стерлинги	2774,43	1 Канада доллари	1749,51	1 Туркия лираси	1083,65	10 Япония иенаси	212,42
1 БАА дирҳами	465,33	1 Хитой юани	263,47	1 Швейцария франки	2022,63	1 Россия рубли	61,49
1 АҚШ доллари	1708,92	1 Малайзия ринггити	563,26	1 Евро	2495,60	1 Украина гривнаси	214,32

* Валюта қийматини белгилан чонда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Демократик ислохотларни чуқурлаштириш

жараёнида оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этиши учун ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланмоқда



Хафиза КАРИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да кучли фуқаролик жамияти барпо этиши йўлидаги ислохотларни жадаллаштиришга қаратилган қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Маъзур қонунларнинг ҳаётиятдаги таътиллиги давлат ва жамият ўртасида узвий ҳамкорлик кучайиши ҳамда манфаатлар мувозанатини таъминловчи ўзига хос тизим шаклланишига хизмат қилади.

Бу тизим самарали ишлаши, давлат ва жамият учун манфаат келтириши кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари фаолияти кучайишига боғлиқ. Ўз навбатида, «тўғричи ҳокимият» кучайиши ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий шарт-шароит мустаҳкамлигига таънади. Шу боис Конституцияда оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муноса-

батларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг этиқлигини, шунингдек, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги боғлиқликларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммолари масалаларни ҳал этиш зарурлиги қайд этилди. Бу борада, айниқса, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини очиклиги тўғрисида»

қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамиятга молик.

Бу ҳужжат қонунлар, давлат ва ҳудудий иқтисодий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ижросини таъминлаш, шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қабул қилаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги маъсулият кучайишига ҳуқуқий замин яратди. Шунингдек, маъзур қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибин аниқ белгилаб бериши билан аҳамиятлидир. Бунда, айниқса, оммавий ахборот воситалари, қолаверса, фуқаролик жамиятининг бошқа институтилари ва жамоат ташкилотларига фуқаролар ҳуқуқ ҳақида эркинликлар билан боғлиқ ҳолатлар, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари қарорлари маълум ҳолатидан хабардор бўлиш ҳуқуқи қафолатилишини гоғийда муҳим. Чунки шу орқали жамиятда сиёсий-ҳуқуқий фаоллик яратди, ҳар бир фуқарода ўз ҳаётига маъсуллик ҳисси юксалади. Оммавий ахборот воситалари одамлар муайян масалалар юзасидан ўз мустақил фикри, мулоҳазаси, позициясини билдирадиган, турли қарашлар ифода этиладиган демократик минбарга айланади.

Шу механизм орқали фуқароларнинг ўзлари иштиком қилаётган ҳудудлар иқтисодий-иқтисодий ривожланиши, унинг хусусиятлари, аҳоли турмуш

фаровонлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилаётган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил маълумот олиши таъминланади. Бу эса ҳудудий ривожланиш дастурлари ижроси самардорлигини оширишда жамоатчилик ўз тақлифи ва ташаббуслари билан иштирок этишига кенг шариот тугдиради.

Бир сўз билан айтганда, мамлакат ҳаётига оид муҳим ахборотлар ҳеч қандай монеликсиз, тезкор ёритилиши, айни пайтда, оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик томонидан таҳлил этилиши одамларимизда фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришга, элворт манфаати йўлида ташаббусларни қўллашга қўлдан келтиришга хизмат қилади. Шу маънода, белмалол айтиш мумкинки, ахборот соҳасидаги ўзгаришлар бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар самардорлигини ошириши, тақдирини ҳал қилувчи муҳим омилдир.

Сир эмас, ҳар қандай давлатнинг демократик тараққиётини унда ахборот олиш, узатиш ва алмаштириш тизими қай даражада йўлга қўйилгани, фуқароларнинг зарур ахборотга эгалиги, ён-тарофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан мустақам позициясини эркин билдириши олиши белгиланган. Содда қилиб айтганда, инсон ўзи истикомат қилаётган кўча, маҳалла, туман ёки шаҳар ҳақида етарли ахборот ва билимга эга бўлсагина ундан амалий тақлиф

чиқади, ҳаётий ташаббусларни сидқидилдан қўллаб-қувватлайди, энг муҳими, аетрофдагиларни ҳам шунга даъват этади. Шу боис, маъзур қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти бўйича ахборот олиш тартиби, тур ва шакллари аниқ ва қатъий белгилаб қўйиш зарур.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан ахборот олишга доир сўровларга жавоб бериш мuddатини қисқартириш заруратга айланган. Бундан ташқари, маъзур қонунда тақдим этилган маълумотларнинг аниқлиги нисбатан маълумот тақдим этувчи мансабдор шахсининг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган меъёрлар киритилиши мақсадага мувофиқдир. Бу, маълум ижтимоий масалаларнинг ўз вақтида, аниқ маълумотларга асосланган ҳолда таҳлил қилиниши, шу масалани ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишида долзарб аҳамият касб этади.

Маъзур қонун қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари эркин ва батафсил ахборот олиши ҳуқуқини қафолатилади. Шу орқали аҳоли зарур ахборотларга эга бўлади. Бу эса ўз навбатида давлат ва жамият бошқаруви самардорлигини ошириш бўйича жамоатчилик назорати кучайишига хизмат қилади.

ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

Бандликнинг муҳим шарти

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Чуст туман кенгаши, туман хотин-қизлар кўмитаси, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофизат қилиш маркази ҳамкорликда «Аҳоли бандлиги ва даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашда касаначиликнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказди. Унда партияимиз фаоллари, иш берувчилар ва касаначилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Чуст туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Мухсинжон Бобохонов Президентимиз фармонлари, ҳуқуқат қарорлари асосида иш берувчи корхоналар учун ҳам, касаначилар учун ҳам рағбатлантиришнинг самарали тизими яратилганини таъкидлади.

Касаначилик аҳолини иш билан таъминлаш ва барқарор даромадди шакллантиришнинг кўшимча манбаидир, — деди у. — Ўтган йили шу йўналишда республика бўйича 220 миңгача янги иш ўрни ташкил этилди. Бу партияимиз электроти манфаатини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Халқ депутатлари туман Кенгашининг ўтган йил декабрь ойида бўлган сессиясида аҳоли бандлиги тўғрисида дастур тасдиқланган. Ҳозир бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 1524 та янги иш ўрни яратилди. Бунинг 524 таси ўзи меҳнатининг турли шакллари, 127 таси эса айнан ка-

саначилик ҳисобига тўғри келади. Шунингдек, касаначиликни ривожлантиришда айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Мисол учун, уй меҳнати билан шугулланувчиларни ҳаммаё билан таъминлашда қийинчиликка дуч келинмоқда.

Қолаверса, бу соҳани ривожлантиришда тарихот-таъшикот ишлари ҳам етарли даражада эмас. Чуст туманидаги 11 та ҳўжалик юридувчи субъект касаначиликни йўлга қўйган, холос. Туманда ҳунармандлар кўп, уларнинг фаолиятини янада кенгайтириш учун яратилган имконият ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш зарур. Бу борада партиямиз бошлангич ташкилотлари электротик манфаатидан келиб чиқиб жамоатчилик назоратини кучайтириши керак.

Касаначиликни ривожлантириш учун депутатлар ва фаолларимиз масаласига жиддий ёндашиши лозим, — деди вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Нигора Нуралиева. — Шу асосда ташкил этилаётган иш ўринла-

ри барқарорлиги ва даромаднинг юқорилигини таъминлашда партия ташкилотлари назорат функцияси муҳим ўрни тутати. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз сессиялар, доимий комиссияларда, кун тартибини шакллантиришда, музокара-ларда иштирок этиш, давлат бошқаруви органларига депутатлик сўрови билан муражаат қилиш, муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларга кўмаклашиш каби ҳуқуқ ва ваколатларидан амалий фойдаланиши лозим.

— Бу йил касаначиликни ривожлантириш ҳисобига туман кўйисига 495 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган, — деди туман Бандликка кўмаклашиш маркази директорни Файзулло Мадамминов. — Ўтган 5 ой мобайнида 242 та иш жойи очилди. Яна 253 та иш ўрни ташкил этиш бўйича муайян ишлар қилинмоқда. Туманда аҳоли бандлиги ва янги иш ўринлари яратиш бўйича дастур асосида жами 6863 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Ҳозиргача 2700 та янги иш ўрни очилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан кичик корхоналарда 902 та янги иш ўрни ташкил этилди. Шунинг 382 таси якка тартибда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳисобига тўғри келади. Яна йирк корхоналарни модернизациялаш ҳисобига 127 та иш ўрни очилди.

«Моҳларойимгулмир» корхонаси раҳбари Мўжаббат Ҳайдарова корхонада 83

нафар ишчи фаолият юрийтиши, уларнинг 78 нафари касаначилик асосида меҳнат қилишини айтиб ўтди. Касаначиликнинг афзалликлари туфайли жамоа яхшигина фойда кўрмоқда. Шунингдек, тадбирда бошқа иштирокчилар ҳам сўзга чиқиб, бу соҳани ривожлантиришнинг янги йўналишлари, учраётган айрим муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришти. Шундан келиб чиқиб, туман партия кенгаши ва депутатлик гуруҳининг долзарб вазифалари белгилаб олинди.

Тадбир доирасида бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Унда «Пахта толаси» АК, «Ораста Аскар-ова-ХК», «Миллий хунармандчилик» КК, «Гулёрлари» ХК ва бошқа ўнлаб корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринларини тақлиф этди, касаначилик фаолияти билан шугулланмоқчи бўлган ёшлар билан шартнома имзолади.

— Мен бугун «Моҳларойимгулмир» корхонасида касаначилик асосида ишлаш учун шартнома имзолади, — дейди туман кенгаши раиси бошқаруви ботирувчиси Маҳбуба Абқарова. — Уйда ўтириб, корхона яратган қўлайлиқдан фойдаланиб меҳнат қилиш имконига эга бўлганимдан мамнунман.

Тадбир сўнгида ЎзХДП сафига янги қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга аъзолик гувоҳномадори топширилди.

Хушнуд ФАЙЗИЕВ,
Санжар ТУРСУНОВ

Фуқаролик жамиятининг муҳим институти

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимиз Ислом Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролик институти, чунончи, маҳалланинг мақоми ва ролини ошириши устувор йўналишлардан бири сифатида белгилади. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари қатор муҳим, жумладан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари фаолиятини кучайтириш чора-тадбирлари белгилади. Халқ депутатлари туман кенгаши қошидаги депутатлик гуруҳи раҳбарлари, доимий ко-

изи) маҳалла уларнинг ва оилаларнинг ҳаётида муҳим ўрин тутаниши, яридан кўпи эса катта роль ўйнашини билдирди.

Тадқиқот шунни кўрсатдики, аҳолининг катта қисми (73,9 фоиз) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қандай вазифаларни бажараётганини ва улар олдига қандай вазифалар турганини билади. Маҳаллани ободлаштириш, тартибга келтириш, тазолигини сақлаш, тинчлик-тотувликни таъминлаш, низоли масалаларни ҳал этиш, ижтимоий ёрдамни адолатли тақсимлаш, турли ҳаётий вазиятларда ёрдам кўрсатиш, тадбирларни ташкил этиш шулар жумласидандир. Маҳалланин маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш, баркамол авлодни тарбиялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишда иштирок этиши, миллий анъаналарни қўллаб-қувватлаши муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, фуқароларнинг фикрича, маҳалла тизимида ўз ўзини бошқариши янада кенг ривожлантириш зарур.

Олинган маълумотларга кўра, маҳаллалар аҳолиси фуқаролар йиғинларига, жумла-

дан, шахсий муаммоларини ҳал этишга ёрдам бериш (51 фоиз), ижтимоий ёрдам сўраб (40,6 фоиз), оила, маҳалладаги низоли масалаларни ҳал этиш (13,4 фоиз), турли тадбиркорликни ташкил этишга кўмаклашиш (12,7 фоиз) тўғрисида муражаат қилади. Ушбу муражаатларнинг аксарияти ижобий ҳал этилади. Сўров шунинг кўрсатдики, аҳолининг яридан кўпи маҳалласида фаолият кўрсатаётган ўзини ўзи бошқариш органи ва унинг раиси амалга ошираётган ишларни ижобий баҳоламоқда.

Аҳолининг кенг қатлами манфаатларини фидоа қиладиган фуқаролар йиғинларини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир маъсулиятли вазифаларни ҳал этиши лозим. Фуқароларнинг кўпчилиги (78,7 фоизи) бунинг чучур аниқлаган ҳолда, жорий йилда бўлиб ўтаётган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органиларига сайловда фаол иштирок этмоқда.

Тадқиқот натижалари фуқаролар нафақат ўз маҳалласи жойлашган ҳудуд, балки бутун мамлакатни янада ривожлантириш уларнинг қандай одамларини сайлашга боғликлигини яхши тушунишидан далолат бермоқда. Шу боис,

оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиларини номзадларига қўйилаётган талаблар кучайиб бораётир. Одамлар фуқаролар йиғинини юксак маънавиятли, маълумотли, мўтабар, катта ҳаётий тажрибга эга, одамлар орасида ҳурмат-эътиборга сазовор, маҳаллий аънава ва урф-одатларини яхши биладиган, мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган оқсоқол бошқаришини истайди. Фуқаролар йиғини раисининг масолаҳатчиларига ҳам шундай талаблар қўйилмоқда.

Амалдаги қонунчиликда оқсоқолликка номзаднинг ёши чекланмаган. Шунинг қайд этиш керакки, айни пайтда фуқаролар йиғинини раислигига номзадлар орасида ўрта ёшли фуқаролар (аввалги сайловларга нисбатан икки баравар кўп) ва хотин-қизлар сони ортиб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ўн миңдан ортқ фуқаролар йиғинларининг хар ўнчинчисига хотин-қизлар раислик қилмоқда. Уларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ишдаги фаол иштироки жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва мақоми ортиб бораётганидан далолат беради.

Сўров катнашчиларининг жавобларига кўра, Ўзбекистон фуқаролари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органиларига

сайлов демократик ёндашув асосида ўтиши, нуносиб одамлар сайланиши, маҳаллада тинчлик ва оёсийштлик янада ривожланиши, натижада одамлар фаровонлиги ва ҳаёт сифати ошишига ишонмоқда.

Мухтасар айтганда, жамоатчилик фикрининг ўрганиш бўйича ўтказилган сўров шунини кўрсатдики, фуқаролар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органиларига сайловга онгли равишда ёндашмоқда ва унда фаол иштирок этмоқда. Улар (сўралганларнинг деярли 100 фоизи) давлатимиз раҳбари томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган муҳим фуқаролик институти — маҳаллани мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон аҳолиси маъзур йўналишдаги белгилаган вазифаларнинг бажарилиши ушбу ноёб маҳаллий ўзини ўзи бошқарув шаклини ривожлантиришда сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб беради ва мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилади, деб ишонди.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида
ЎзА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади.

Газетада босилган танқидий мақолага жавоб келди... Жавоб келмади

ХОЛИС танқиддан, хулоса

чиқарилса, камчиликлар бартараф этилади, бундан одамлар ҳам, жамият ҳам фақат фойда кўради

Бу изоҳ ва исбот талаб қилмайдиган, ҳаёт тажрибасидан кўп бор ўтган ҳақиқат. Аммо баъзан, холис танқидда кўтарилган масала четда қолиб, «Бу мақолани қим ёзди, нега ёзди?..» каби саволлар билан шугулланилади. Гоҳида эса мақолада кўрсатилган камчиликларни қандай бўлмасин, тан олмасликка уриниш, нуқсонларни ошкор қилмаслик учун юқори идораларни қалгитадиган маълумотлар тўплаш ҳоллари ҳам учраб туради.

Газетамизнинг шу йил 31 май сонида «Одамларни иш билан таъминлаш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир» сарлавхали мақолада Хоразм вилояти Қўшқўпир туманида янги иш ўринлари яратиш бўйича белгилашган режалар бажарилмаётгани, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришда кўзбўямачиликларга йўл қўйилаётгани танқид қилинган эди. Тўғриси, ушбу мақолага ҳам ноҳолис муносабатлар билдирилиб, ортиқча баҳслашувлар юз бермасмикан, деган ҳаёлга ҳам борган эдик. Чунки танқид ҳаммага ҳам ёқарвермайди, танқидий мақолага муносабат маданияти ҳаммада ҳам бир хил бўлавермайди.

Бирок мақолага аввало вилоят ҳокимлиги холис ёндашгани, туман ҳокимлиги тегишли хулоса чиқариб олгани туфайли камчиликларни бартараф этиш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар белгилагани ҳақида жавоб хати олдиқ. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«...Мақола туман ҳокимлиги вакиллари, фаоллар, депутатлар иштирокида муҳокама этилди. Муҳокама чоғида мақолада келтирилган фактлар асосан тўғри деб топилди. Камчиликларни ўз вақтида кўрсатиб, оғохлантирилмаклиари учун таҳририят ҳодимларига миннатдорчиликимизни билдираемиз.

Ҳақиқатан ҳам 2010 йилда «Сино Урганч» МЧЖда 32 та янги иш ўрни яратилиши мўлжалланган эди. Бироқ ушбу корхона ишга туширилмасдан қолди.

«Қўшқўпир чорва озука» бирлашмасида 2 та, «И.Аллаберганов» фермер ҳўжалигида 5 та, «Янгилик» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида 4 та, «Султон Санжар» сервис хусусий фирмасида режалаштирилган 10 та иш ўрни очилмай қолган. Якка тартибдаги тадбиркор Гулором Машарипова 25 нафар, Шоира Тангриева 26 нафар коллеж битирувчисини ишга қабул қилиш ҳақида сохта шартнома тузганлиги ҳам тўғри танқид қилинган.

Шартнома тузишда юзакиликка йўл қўйгани учун Қуриш ва транспорт коллежи директори Э.Авазов туман ҳокимлиги томонидан оғохлантирилди. Агросоноат касб-хўнар коллежи директори Қ.Сафоев бугунги кунда ишдан бўшаганлиги учун чора кўрилмади, янги директор эътиборини нисаларга қаратиши лозимлиги йнгилиш давомида кўрсатиб ўтилди.

Камчиликларни тузатиш мақсадида туманда иш билан таъминлаш масалаларига эътиборни кучайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

Халқ депутатлари туман кенгаши қошидаги депутатлик гуруҳи раҳбарлари, доимий ко-

миссия раислари ҳам бу борада ўз режаларини қайта кўриб чиқиб, фаолиятларини таҳлил қилмоқдалар, сессиялар кун тартибига бандлик масаласи бўйича тақлифлар тайёрланмоқда.

Қўшқўпир туман ҳокимлиги, халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари бундан кейин янги иш ўринлари яратиш билан қарайди ва барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Қўшқўпир туман ҳокими М.Аллаберганов».

Танқид қилинган идора ёки ташкилотдан миннатдорлик эшитиш камдан-кам бўладиган ҳолат эълани ҳамкасбларимизга яхши маълум. Бундай муносабат туман қидга, хусусан, оммавий ахборот воситаларига соғлом қарашни билдиради. Дарҳақиқат, қиминдир, қайсибир ташкилотни танқид қилишдан мақсад маъвдуд камчиликлардан мутасаддиларни хабардор қилиш, унга жамоатчилик эътиборини қаратишдир. Шу орқали одамлар ишлаши, яшашига, жамият тараққиётига тўқсинлик қилаётган нуқсонларни бартараф этиш ва олдини олиш. ОАВнинг танқиддан мақсади шу, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Афсуски, танқидга лоқайд, менсимасдан қараш холлари ҳамон учраб турибди. Масалан, Қўшқўпир туманидаги аҳоли тўғрисидаги танқид (31 май)дан бир ҳафтача илгари Фаргона вилоятининг Фуркат тумани (ҳокими Номонжон Назиров), Данғара тумани (ҳокими Шухрат Абдусаломов)да ҳам янги иш ўринлари яратиш бўйича белгилашган режалар бажарилмаётгани, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашда муаммолар мавजूдлиги ҳақида танқидий мулоҳазалар билдирилган (26 май) эди. Иккала туман ҳокими ҳам хануз сукут сақламоқда.

Эҳтимол маъзур туманлар ҳокимлари газетада босилган танқидий мақолага жавоб бериши ўзларига эр қилинмаганми? Эҳтимол танқиднинг ҳоқиятини тўғри тушунишмаётгандир?

Хар ҳолда матбуотга, танқидга уларнинг бундай муносабати қилишда турли саволларни уйғотади. Аммо маъвдуд камчиликка, муаммолар муносабат-чи? Агар улар биз шундай ишлайверамиз, қўлимиздан келгани шу, дейишса катта хато қилишди. Янги иш ўринлари яратиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бандлик масаласини ҳал этиш аҳоли ижтимоий ҳимоясини, турмуш фаровонлигини, ҳаётдан розилигини таъминлаш деганидир. Бу борада мамлакатимиздаги кучли фаолиятли одамларни кучайтириш чора-тадбирлари белгилади.

Халқ депутатлари туман кенгаши қошидаги депутатлик гуруҳи раҳбарлари, доимий ко-

Партия позициясида келиб чиқиб

депутатлар ўз тақлифларини илгари сурди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Фракция «Гиеҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва улар прекурсорларининг қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашиш бўйича Марказий Осие минтақавий ахборот мувофиқлаштириш маркази ташкил этиш тўғрисида Озарбойжон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Битимини (Остона, 2006 йил 24 июль) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунли бўйича ишга қўйиш

Депутатлар маъзур ҳужжат 2002 йилнинг октябрь ойида БМТ Бош қотибининг Ўзбекистонга расмий тақрибига чоғида Президентимиз илгари сурган ташаббусни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилганига эътибор қаратдилар. Битимнинг мақсади наркотикларнинг қонунчи муомалада бўлиши соҳасида ўзаро алоқанда бўлиш, оператив ахборотни таҳлил қилиш ва айирбошлаш, шунингдек, биргаликдаги халқаро тезкор-тергов операцияларини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш учун минтақавий алоқа органини тузиш йўли билан наркотик моддаларининг қонунчи тарқатилишига қарши курашиш соҳасида иштирокида давлатлар ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органиларнинг минтақавий ҳамкорлигини кенгайтиришдан иборат.

Шунингдек, фракция «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда, «Геология-қидирув ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш тизимини тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини учинчи ўқишда кўриб чиқди. Депутатлар фракция ваколатига оид бошқа масалаларни ҳам муҳокама этидилар. Кун тартибидан барча масалалар юзасидан фракциянинг позицияси белгилан олди.

Бөхроз ШУКУРОВ

Инсон ҳуқуқлари — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

■ Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига асосан тасдиқланган, «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» деган гоани ўзида мужассам этган дастурда бир қатор мутасадди идоралар зиммасига «Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият» мавзудидаги ҳуқуқий саводхонлик ойлгини уюштириш юқлатилган эди. Шунга кўра жорий йилнинг 25 апрель — 25 май кунлари мамлакатимизда мазкур оммавий тадбир балан руҳ ва юксак савияда ўтказилди.

Муҳбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи Алижон ОЧИЛОВ билан суҳбати мазкур ойлик яқунлари ҳақида.

— Аввало, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича қилинган ишлар ҳақида тўхталсангиз.

— Ўзбекистон мустақилликка эришган, тарихан қисқа даврда юртимиздаги демократик ислохотлар амалга оширилди — собиқ тузум давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизими-га барҳам берилди, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун қарорчилиги, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди. МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб юртимизда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида қонун қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус бўлимлар ташкил топди.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари бўйича олтидан зиёд халқаро ҳужжат, жумладан, БМТ қабул қилган олтита асосий халқаро шартнома қатнашчиси сифатида мамлакатимиз ўз зиммасига олган мажбуриятларини изчил бажариб келмоқда. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчилик тизими яратилди. Парламентимиз томонидан инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шунингдек, керакки, инсон ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини таъминлашда демократик институлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари самарали фаолият юритмоқда.

Халқимизнинг инсон ҳуқуқлари, демократия ва ижтимоий адолат голярига содиқлигини ўтган йилларда қилинган мазкур ишлар ҳам кўрсатиб турибди. Салкам йигирма йил ичида бу соҳадаги босқичма-босқич, тизимли ва дадил одимлар давлатимизнинг халқаро микёсдаги обрў-эътиборини

мустақамлади, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини қарор топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз ўзининг самараларини бермоқда.

— Маълумки, жамият ва давлат ҳуқуқий сўбятининг асосини ҳуқуқий тарғибот фаолияти ташкил қилади. Шундай экан, мазкур ҳуқуқий саводхонлик ойлигидан кўзланган асосий мақсад нима эди?

— Ҳозирги вақтда суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштиришга қарата ташкил топилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда халқимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қабул қилинаётган қонунлар, амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини аҳолига етказиш олдимизда турган энг муҳим вазафидир. Мустақил

лари қатнашди.

Олий таълим муассасалари, Андижон, Самарқанд, Наманган, Қашқадарё вилоятларида ўтказилган йўналишларда мамлакатимизда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ишлар қилинган, бу эса фуқароларимизда адолат ва қонун устуворлиги-га булган ишонч хиссини мустақамла-этгани таъкидланди. Сенат кўмиталарини ўтказган «Қонунийликни таъминлаш ва инсон ҳуқуқлари устуворлиги», «Қучли ижтимоий сўбят — инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим омилли», «Мулк ва тадбиркорлик ҳуқуқи — инсон ҳуқуқларининг таркибий қисмидир» мавзуларидаги тадбирларда ҳам бугунги тараққийимизнинг ҳуқуқий асоси —

Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга доир давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Адлия вазирлигининг энг муҳим фаолият йўналишларидандир. Шунга мувофиқ «Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият» мавзудидаги ҳуқуқий саводхонлик ойлиги доирасида бир қатор давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан ҳам тарғибот тадбирлари ўтказилганини таъкидлаш жоиз.

лигимизнинг йигирма йиллиги муносабати билан тасдиқланган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари Дастурида ҳам бу масалага алоҳида ургу берилган. Дастурга асосан шу йил 21 апрелда Олий Мажлис Сенати раиси, Қонунчилик палатаси спикери ҳамда Адлия вазири томонидан «Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият» мавзудидаги ҳуқуқий саводхонлик ойлгини ўтказиш бўйича режа тасдиқланган эди. Мазкур ойликдан кўзланган мақсад мустақиллик йилларида кўлга киритган ютуқ ва натижаларимиз, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва келгуси вазафалар ҳақида юрдошларимизга атрофлича маълумот беришидир.

Ҳуқуқий саводхонлик ойлғи давомида Олий Мажлис палаталари, Адлия вазирлиги, Президент ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, вазирилик ва идоралар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинлик-лари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга доир қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича 77097 та ҳуқуқий тарғибот тадбири ўтказилди. Жумладан, Олий Мажлис Сенати жойларда ташкил қилган таълим оғурида таъминлаш ҳамда маҳаллий Кенгазор депутатлари, аҳоли вакиллари, талаба-ёшлар, фан, таълим ва соғлиқни сақлаш ходимлари, маҳалла фаол-

қонунларимизнинг аҳамияти, уларнинг ҳар бир фуқаро ҳаёти ва тақдирларида ўрни хусусида фикр юритилди.

Ойлик доирасида Адлия вазирлиги томонидан бола ҳуқуқларига оид ижтимоий ролик ва тарқатма материаллар, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг миллий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами тайёрланиб, электрон кўринишда таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш учун Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига етказилди. Вазирилик-миз томонидан тайёрланган, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси голярининг ўзида мужассам этган кўргазмалар ҳам намойиш этилди.

Шунингдек, барча ўқув муассасаларида «Инсон ҳуқуқлари» мавзудида кўшимча машғулотлар ўтказилди. Адлия идоралари ва муассасалари томонидан ойлик давомида 4845 та ҳуқуқий тарғибот тадбири ташкил этилди. Айниқса, тадбиркорлик субъектларининг мавжуд муаммоларини ўрганиш, уларнинг тақлиф ва мулоҳазалари-ни қабул қилиш мақсадида республика бўйлаб ташкил этилган «Очқ эшиклар кўни» тадбири соҳа вакиллари учун фойдали мулоқотларга бой бўлди.

Тахлилларга кўра, тарғибот ойлғи давомида, айниқса, давра суҳбатлари-га алоҳида эътибор берилди, семинар, илмий-амалий конференциялар ташкил этилди. Шунингдек, мавзуга оид 1096

та рисола, савол-жавоб ва шарҳловчи қўлланмалар чоп қилинди. 612 та мақола тўпламга киритилиб, 1536 та ўқув услубий қўлланма ва 911 та дарслик тайёрланди. 1002 турдаги плакат ва 498 турдаги буклетлар тингловчиларга тарқатилди.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданият-ни юксалтиришга доир давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Адлия вазирлигининг энг муҳим фаолият йўналишларидандир. Шунга мувофиқ «Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият» мавзудидаги ҳуқуқий саводхонлик ойлғи доирасида бир қатор давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан ҳам тарғибот тадбирлари ўтказилганини таъкидлаш жоиз.

Биргина Бош прокуратура томони-дан «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг роли» мавзудида 4,6 мингдан зиёд тарғибот тадбири амалга оширилган. Шунинг-дек, жойларда прокуратура, ички ишлар ҳамда адлия органлари вакиллари иштирокида ўқувчилар билан «Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият», «Вояга етмаганларнинг ҳақдорликлари», «Менинг ҳуқуқ ва бурчларим», «Сиз қонун-ни биласизми?», «Конституциямиз — бахтимиз қомуси» мавзуларида давра суҳбатлари, мулоқотлар, учрашувлар,

туман (шаҳар)лараро виқориналар ташкил этилди.

— Оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилган тарғиботлар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Албатта, инсон ҳуқуқлари ҳимоя-сида ОАВнинг ўрни ва аҳамияти бе-қийс. Айниқса, даврий матбуот саҳи-фалари, телекўрсатув ва радио эшит-тиришларда аҳолини қизиқтирадиган ҳуқуқий масалалар бўйича тушунти-риш-тарғибот ишларини олиб бориш ижобий самара беради. Шу маънода, ўтказилган ойлик тадбирларнинг 7138 таси оммавий ахборот восита-лари орқали амалга оширилди. Жум-ладан, телевидениеда 1842 та, ра-дио орқали 1745 та, матбуот нашрла-рида 3551 маротаба чиқишлар қилин-ди. Муҳими, ҳуқуқий саводхонлик ой-лиги режасида белгиланган тадбир-лар кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда, юрдошларимиз онига етиб борадиган, уларнинг кайфиятини кўта-радиган таъсирчан усулда, расмият-чиликдан холи, очиқ мулоқот шакли-да ўтказилди.

Шунингдек, керакки, ойлик до-ирасида ўтказилган тадбирлар жараё-нида фуқароларнинг, айниқса, ёшлар-нинг ҳуқуқий билими, маданияти юк-саклиги яққол сезилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Матназар ЭЛМУРОДОВ
суҳбатлашди.

АКАДЕМИК АЛЕКСЕЙ ГЛУШЧЕНКО



Ўзбекистон илм-фани оғир жу-долика учради. Машинасозлик механикаси со-ҳасидаги йирик олим, Ўзбекис-тон Республикаси Фанлар акаде-мияси академиги Алексей Дани-лович Глушченко 77 ёшида ва-фот этди.

А.Глушченко 1934 йилда туғил-ган. 1958 йилда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти тугатиб, Тошкент теп-ловод-вагон таъмирлаш заводи устаси вазифида иш бошлади. 1960 йили Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари инсти-тути аспирантурасига ўқишга кир-ди. 1964 йилда номзодлик, 1971 йилда эса докторлик диссер-тациясини ҳимоя қилди. 1984

йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

А.Глушченко ўзининг 50 йил-дан ортиқ илмий-педагогик фао-лияти давомида Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти доценти, кафедра му-дири, профессори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академия-си Механика ва иншоотлар сейс-мик мустақамлиги институти бўлим бошлиғи, лаборатория му-дири, Ўзбекистон Фанлар акаде-мияси президиуми аъзоси каби лавозимларда самарали меҳнат қилди ва юртимизда муҳандис-механик кадрлар тайёрлаш иши-га муносиб ҳисса қўшди.

Йирик олим темир йўл транс-порти ва пахтачилик машинасоз-лиги соҳасига бағишлаб ёзилган ўндан ортиқ монография, кўплаб илмий мақола ва рисола, 50 та патентлик иши муаллифи сифа-тида кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматқаш олим жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнга яқин фан доктори ва ўттиздан ортиқ фан номзоди тайёрланди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Алексей Данило-вич Глушченконинг ёрқин хоти-раси қалбимизда ҳамиса сақла-ниб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, А.АРИПОВ, Ш.СОЛИҲОВ, Б.БОНДАРЕНКО

Ҳар бир киши — меҳр ва эътиборда

■ Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлақати-мизда ногиронларнинг кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоясига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси меҳ-нат ва аҳолини ижтимоий муҳо-фаза қилиш вазирининг ўринбо-сари Ш.Саидов ва бошқалар Пре-зидентимиз Исрол Каримов раҳ-намоларида аниқ мақсадга йўнал-тирилган ижтимоий ҳимоя тизими шакллантирилгани юксак самара-дан бераётганини таъкидлади. Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, кам таъминланган-ларни манзилли ижтимоий муҳо-фазалаш аниқ мақсадли тарзда амалга оширилмоқда.

Қонунчиликка асосан ногирон-ларнинг алоҳида тоифаларига

имтиёз ва кафолатлар ҳам бел-гиланган ва улар бундан ўз вақ-тида баҳраманд бўлаётир. Уларга амбулатор шариотда даволанган-да бепул дори-дармон, стацио-нар шариотда даволанганда бе-пул озорикта билан таъминла-ниш, шаҳар жамоат транспорти-дан бепул фойдаланиш, электр энергияси ва коммунал хизмат, солиқ тўловларида ҳам имтиёз-лар кафолатланган.

Матбуот анжуманида журналист-лар ўзларини қизиқтирган савол-ларга муҳасисилардан батафсил жавоб олдилар.

(ЎЗА)

«Бахтли болалик» байрами

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдин Самарқандда «Бахтли болалик» лойиҳаси доирасида «БМТнинг Мингйиллик ривож-ланиш мақсадлари — менинг нигоҳимда» тарғибот-ташвиқот ак-цияси ўтказилди. Тадбирда вилоят умумтаълим мактабларининг минг нафарга яқин ўқувчилари иштирок этишди.

(Ўз мухбиримиз.)

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ! «УКС СФП Республики Узбекистан»

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: «Реконструкция спального корпуса ООО «Умид Гулшани санаторияси» в Кибрайском районе Ташкентской области».

Стартовая стоимость заказчика: — 2 110 450 857 сума с учета НДС, — 1 758 709 048 сума без учета НДС
Срок завершения строительства — 12 месяцев.
Заказчик: «УКС СФП Республики Узбекистан».

Финансирование осуществляется за собственные средства профсоюза.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств; предоставить базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимые для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному гражданскому правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценные преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников, конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по ко-

торым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга — ООО «Экспертстрой-консалтинг» по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 22.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации — сто тысяч сумов.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 22, тел. 8 (371) 241-37-50, (факс) 715-81-80.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов — ко дню и часу вскрытия оферт по нижеуказанному адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 22.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления в здании по адресу: г. Ташкент, ул. Бухара 24.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Суд қарорларини ижро этиш, суўлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департа-менти жамоаси департамент директори ўринбосари — Судларни моддий-техника жиҳатдан таъминлаш бошқармаси бошлиғи Турсунбой МАМАТКУЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

Хизмат кўрсатиш сифати ошмоқда

■ Ўзбекистон — Германия «Савдогар» очик акциядорлик тижорат банки-нинг Фарғона вилоят филиали бугунги кунда 2400 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш банк фаолиятида ҳамиса устувор ўринни эгаллаб келган. Ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдириб, импорт ўринини босадиган рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, қўшимча янги иш ўринлари ташкил этадиган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кредитлар ажратилмоқда. Банкнинг молиявий мадади тўғрисидаги фаолиятлари ривожлантиришда, айланма маблағларини тўлдириб санаот, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва аҳолига маънавий хизмат кўрсатишни яхшиламоқдалар.

Эндиликда ҳар бир миқозга энг манфаатли банк хизматлари тақлиф этилиб, оилаларга кириб бориш, муҳим ҳаётий масалаларни ҳал этишда кўмаклашиш, аҳолининг ишончини қозониш соҳа ходимларининг кундалик вазифида айланган. Жорий йилнинг ўтган беш ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 586 млн. сўм кредит берилганлиги фикримиз далилидир. Савдо соҳасини ривожланти-

риш ва умумий овқатланиш ташкилотларига, аҳолининг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига булган талабини қондириш учун 229 млн. сўм қисқа муددатли кредит маблағлари ажратилди. Масалан, Фарғона шаҳрида фаолият юритаётган яқка тартибдаги тадбиркор Ерқин Оби-довга айланма маблағларини тўлдириш, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун 15 млн. сўм, Фарғона тумани Чимён қишлоғида жойлашган «Шермухаммадхўжафайз» хусусий корхонасига айланма маблағларини тўлдириш учун 10 млн. сўм кредит ажратилди. Чимён қишлоғида фаолият юритаётган «Чимён овоз файз» фермер хўжалиғи бошлиғи Жилола Ута-нова ҳам банк филиали хизма-тидан мамнун. Чунки у чорва-чиликни ривожлантирмоқда. Зотли қорамоллар сотиб олиш учун филиалдан 40 млн. сўм кредит олди. Бешта янги иш ўрни яратди.

Банк филиали ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 105 млн. сўм кредит ажратди. Чу-

нончи Фарғона шаҳридаги «Фарғона Исмомилон файз» хусусий корхонасига чинни буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ажратилган 40 млн. сўм ҳисобига 8 та янги иш ўрни яратилди. Корхона раҳбари Иброҳим Умроқов-нинг айтишига кўра бундан буён чинни буюмлар ишлаб чиқариш янада кўпаяди. Жакба-рари Курбонов эса «Кўктош плюс» масъулияти чекланган жамият раиси. Унинг корхона-си банкдан 35 млн. сўм кредит олди. Бунинг натижасида эса бешта иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, банк фили-али шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига зотли қорамол-лар сотиб олиш учун 2011 йил-нинг ўтган беш ойи давомида 40,5 млн. сўм имтиёзли кре-дит ажратди, бунинг ҳисоби-га 11 та янги иш ўрни яратил-ди. Шунингдек, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 17 та ёш оилага 72,5 млн. сўм кредит берилди.

Филиал томонидан хотин-қиз-ларни қўллаб-қувватлаш учун 52,9 млн. сўм кредит маблағ-



лари ажратилди. Ушбу кредитлар ҳисобидан 7 та янги иш ўрни яратилди.

Филиалда аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этишда ҳам бирмунча ютуқларга эришилди. Шунинг-дек, пластик карточка эгалари-га намунали савдо хизмати кўрсатиш ишларини янада ях-шилаш учун жами 133 та хўжа-лик юритувчи субъектга савдо терминаллари ўрнатилди.

Филиалда «WESTERN UNION», «CONTACT» «Быстрая почта», «Интер Экспресс» ва «MIGOM»

тизимлари орқали пул ўтказма-лари бўйича аҳолига қулай ва сифатли хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Мухтасар айтганда, «Банк — Мижоз» дастури асосида фаолият юритаётган Ўзбекистон — Германия «Савдогар» ОАТ банк-ининг Фарғона вилоят фили-али жамоаси ҳар бир миқозга намунали хизмат кўрсатишга интиломоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Спорт

Жаҳон чемпионати

йўлланмалари учун баҳслар бошланди

Пойтахтимизда шохмот бўйича эркеклар ва аёллар ўртасида жаҳон чемпионати (кубоги)нинг минтақавий саралаш ўйинлари бўлиб ўтмоқда.

Мусобақаларда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг ётачки шохмотчилари иштирок этмоқда. Туркманистон ва Афғонистондан вакиллари етиб келишмагани боис, ёш иқтидорли шохмотчиларимизга ҳам бу мусобақада қатнашишга имконият берилди.

Эркеклар ўртасидаги мусобақада 18 нафар шохмотчи, (улардан 4 нафари халқаро гроссмейстер) шу йил охирида Ханти-Мансийскда ўтказилган Жаҳон кубогига бериладиган иккита йўлланма учун кураш олиб бормоқда. Тўрт ўйиндан кейин 4 очко жамғарган халқаро гроссмейстеримиз Антон Филиппов

якка пешқадамлик қилмоқда. 3 тадан очко тўплаган юртимиз вакиллари Жўрабек Ҳамроқулов ва Элбек Алиқулов 2-3 ўринларда боришмоқда.

Аёллар баҳсида 12 нафар қатнашчи (улардан беш нафари халқаро миқёсидаги спорт устаси) жаҳон чемпионатига берилган ягона йўлланмани қўлга киритиш учун дона сурмоқда. Ҳозирча тўрт ўйиндан 3,5 очко жамғарган ҳамюртимиз Мафтуна Маматқулова мусобақа жадвалида карвонбоши бўлиб олди.

Мусобақалар швейцарча тизимда, 9 турдан иборат. Сўнгги тур учрашувлари 16 июнда бўлади.



Муроббек ЗИЕ олган сурат.

Қариялар мамнун

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб аҳолининг ижтимоий кўмак муҳтож қатламини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилаётди. Жумладан, уруш ва меҳнат фахрийлари, кексалар, пенсионер ва ногиронларни қадрлаш, уларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш халқимизнинг азалий қадриятларидан бири бўлиб келган.

Жиззах вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борада қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ҳар жихатдан кўмак кўрсатишмоқда.

Президентимизнинг 2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш тўғрисидаги қарори инсонпарварликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Шу боис Жиззах вилоятида ҳам ижтимоий ҳимоя манбалари барқарорлиги ва ижтимоий хизмат турларини кўпайтиришга ҳарқат қилинмоқда.

Бугунги кунда вилоят бўйича Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари сони 261 нафарни ташкил этади. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борада қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ҳар жихатдан кўмак кўрсатишмоқда.

Президентимиз қароридан ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, инвестиция дастурини шакллантиришда муассасаларни тиббий-ижтимоий қурилиши ва реконструкция қилишга қаратилган эътибор бизни қувонтирди.

Марказимизда ҳар йили 5-6 минг нафар қария, пенсионер ва ногиронларга реабилитация қилинади. Давлатимизнинг бу сиёсати, бу сайёҳаракатлар ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларни тиббий-ижтимоий ҳимоя самарасини янада яхшилашга хизмат қилади.

Аскар МҲМИНОВ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазириликнинг қарор ва протезлаш Миллий маркази директори.

Жорий йилнинг ўтган даврида уруш қатнашчилари, кексалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларга туман (шаҳар) ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жами 250 млн. сўм ёрдам берилди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган тўрт ойида 500 нафар меҳнат фахрийси вилоят ҳудудидagi «Қариялар оромгоҳи» да соғломлаштирилди, 250 кишига эса «Оптик», «Товқосой», «Косонсой», «Маржон суви» каби сиҳаттоғларга бепул йўлланмалар берилди.

Гулжаҳон АШУРОВА

«Бунёдкор» мавқеини мустаҳкамламоқда

Футбол бўйича Ўзбекистон XX миллий чемпионати олий лига жамоалари 11-тур ўйинларини ўтказди. Турнинг марказий учрашуви Тошкентда «Бунёдкор» ҳамда «Насаф» жамоалари ўртасида бўлди.

Мақсур баҳсни кузатиш учун Қашқадарёдан минглаб муҳлислар ташриф буюришди. Гарчи, учрашувнинг 70-дақиқасида меҳмонлар вакили Андрей Переплеткин ҳисобни очган бўлса-да, уларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Орадан икки дақиқа ўтмасдан бунёдкорчилар ҳужумчиси Милош Трифуневич ҳисобни тенглаштириб, 82-дақиқада ўз «дубли»ни нишонлади. Шу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармай қолди – 2:1.

Турнинг яна бир қизиқарли учрашуви Ҳузурда «Шўртан» – «Пахтакор» жамоалари ўртасида кечди. Унда пахтакорчилар рақиблари дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди – 0:2.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Навбахор» — «Бухоро» — 1:0, «Машъал» — «Нефтчи» — 3:2, «Андижон» — «Қизилқум» — 3:0, «Металлург» — «Сўғдиёна» — 3:2, «Динамо» — «Олмалик» — 0:1.

Ўн биринчи турдан кейинги вазият					
Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н
1. Бунёдкор	10	9	1	0	22-5
2. Пахтакор	10	8	1	1	12-3
3. Насаф	11	7	3	1	18-6
4. Нефтчи	11	5	2	4	13-10
5. Бухоро	11	4	3	4	8-7
6. Машъал	11	4	3	4	12-16
7. Андижон	11	4	2	5	15-14
8. Олмалик	10	4	2	4	14-14
9. Навбахор	11	3	4	4	8-9
10. Металлург	11	4	0	7	13-20
11. Сўғдиёна	11	2	3	6	13-20
12. Қизилқум	11	2	3	6	6-15
13. Шўртан	10	2	2	6	7-16
14. Динамо	11	2	1	8	5-11

Бухоролик Сарвина Холиқова беш ёшидан бошлаб спортнинг бадий гимнастика тури билан шуғулланади. У ўтган йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида қумуш медалга муносиб кўрилди.



Нафосат маликаси

Истеъдодли спортчи бугунги кунда Бухоро шаҳридаги 21-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси. 2011 йилда у Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

— Бу мукофотни қўлга киритган қизларга доимо ҳавас билан қараганман, — дейди Сарвина — Мени ушбу мукофотга лойиқ кўрганлари учун аввало, Президентимизга катта раҳмат айтман. Бу ишончни оқлашни ўз бурчим, деб билман.

— Сарвина ҳар доим ус-

тозлари ва дўстарининг унунга билдирган ишончига муносиб бўлишга интилади, — дейди 21- умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилфуза Халимова. — У ҳаммиса ўз олдида юксак мақсадлар қўяди ва олдинга интилишдан чарчамайди. Мактабимизда 2-синфдан 9-синфга бўлган қизлар учун «Зулфияноним қизлари» клуби ташкил қилинган. Сарвина ушбу клубнинг доимий қатнашчиси ҳисобланади.

Лазиза ШЕРОВА

Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар тиббий-ижтимоий ҳимояси ошмоқда

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазириликнинг қарор ва протезлаш Миллий маркази Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 17 майдаги қарорига кўра ташкил этилган.

Бу ҳаёда кимдир қариған чоғида осойишта, соғлом умргузаронлик қилади, баъзилар ўзгаларнинг мададига муҳтож бўлиб, яна биров ногиронлик аравачасига миҳланадиган ҳолатда бўлиши мумкин. Аммо уларнинг бари эъзозу эътиборга бирдай ҳақли. Қадимдан халқимиздаши улуг инсонларнинг хурматини жойига қўйиш, ҳаста ва ногирон, ёлғиз кексаларнинг кўнгилни олиш, муҳтожга ёрдам қилиш, меҳр-шафқат кўрсатишини катта савоб деб билади.

Президентимизнинг 2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорини бутун жамоамиз билан ўқидик, вазибаларни белгилаб олдик.

Айниқса, қарорда: «Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ мақсадли даволаш ва соғломлашти-

ришни такомиллаштириш, тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ва протезлаш, уларни иш билан таъминлаш геронтология ёрдамидаги хизматлар сифати ва самардорлигини ошириш, илмий тадқиқотлар натижасини амалиётга татбиқ қилиш, муассасаларимизнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, ногиронликнинг турли муаммоларини ҳал қилиш борасида муттасил излашни мумкин қилиш, муассасаларимизнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш лозим.

Маълумки, бу даргоҳда ногиронлар наинки тиббий, балки ижтимоий-психологик реабилитация қилиш йўналишидаги ишларимиз талаб даражасида дая олмаймиз. Бу жараёнда янада чуқурлаштиришга эҳтиёж мавжуд.

Солиқ тизими

Транспортдан тўғри фойдаланиш ҳар бир ҳайдовчининг бурчидир

Барча соҳада тартиб-қоидага амал қилган ҳолда фаолият юрғунган маъқул. Жумладан, транспортда аҳолига хизмат кўрсатаётган ҳайдовчилардан алоҳида маъсулият талаб этилади. Шу боисдан ҳам уларнинг иши ҳаммиса тегишли идоралар диққат марказида туради. Транспорт воситаларининг мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши, улардан фойдаланиш меъёриларига риоя этилиши устидан солиқ идоралари томонидан ҳам назорат ўрнатилган.



Хусусан, Хоразм вилоят давлат солиқ идоралари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 122 та назорат тадбирлари ўтказилиб, уларда йўловчи ташувчи автотransпорт воситаларининг техник кўрикдан ўтмагани ҳамда фойдаланишга яроқсизлиги ҳолатлари аниқланган. 164 та ҳолатда эса ҳайдовчилар тиббий кўриқдан ўтмай, йўловчи ташиш транспортини бошқариш бўйича ваколатли органлар томонидан берилган лицензия талабларига риоя қилмаётгани маълум бўлди.

Маълумки, автомобиль транспортда йўловчи ташиш фаолиятини лицензиясиз амалга оширган шахслар энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 150 баробаригача миқдорда жарима солиши йўли билан маъмурий жавобгарликка тортилади. Вилоятда олиб борилган тадбирлар давомида худди шундай 106 та ҳолатдаги қонунбузарликлар бўйича тўпланган ҳужжатлар суд органларига юборилди. Шундан 84 та ҳолатда 24074,5 минг сўм миқдорда маъмурий жарима ва 5 та ҳолат бўйича энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 150 баробаригача бўлган миқдорда жаримага тортилды.

Президентимизнинг автомобиль транспортда йўловчилар ташиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишнинг тартибга солиш тўғрисидаги қарори ҳамда ҳукуматимизнинг қатор меъёрий ҳужжатларида йўловчи ташиш транспортларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтиришни таъминлаш вазибалари белгиланган. Жумладан, 2011 йилги мажбурий техник кўрик давомида ишлаб чиқарилганига ўн йилдан ортиқ бўлган, мунтазам йўналишларда фаолият кўрсатаётган транспорт воситалари тижорат асосида йўловчи ташиш фаолиятдан чиқарилиши кўрсатилган.

Айни пайтда ушбу қарор ижросини таъминлаш бўйича вилоят солиқ органи ҳамда тегишли идоралар томонидан назорат кучайтирилган. Хулоса шунки, транспортдан тўғри фойдаланиш ҳайдовчининг нафақат маъсулияти, балки бурчидир. Шунда фуқаролар ҳаётини хавф-хатардан сақлаган бўла тури.

Қудрат ИГАМБЕРГАНОВ,
Хоразм вилоят Давлат солиқ борақармаси маъсул директори.

ОБ-ҲАВО 14-15.06. 2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	27°C	29°C
Самарқанд	27°C	32°C
Нўкус	25°C	30°C
Қарши	30°C	35°C
Урганч	25°C	30°C
Навоий	28°C	33°C
Фарғона	27°C	32°C
Бухоро	28°C	33°C
Андижон	27°C	32°C
Наманган	27°C	32°C
Термиз	30°C	35°C
Жиззах	27°C	32°C
Гулистон	27°C	32°C
Тошкент вил.	27°C	32°C

Лондон	24°C	18°C
Париж	29°C	25°C
Москва	21°C	23°C
Мадрид	26°C	30°C
Пекин	31°C	25°C
Гонконг	32°C	32°C
Рим	26°C	26°C
Анкара	26°C	24°C
Токио	26°C	27°C
Стокгольм	26°C	14°C
Кейптаун	17°C	17°C
Қоҳра	30°C	32°C
Гавана	31°C	31°C
Вашингтон	28°C	29°C

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDIN MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Tat'yana KISTANOVA	OCHIBOY RAMATOV
Bobir ALIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad SAIDAHMAD
Sharbat ABDULLAYEVA	G'affor HOTAMOV	RAHIMOV
Murodulla ABDULLAYEV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

BO' LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Ko'ribiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 649 t — Tijorat materiallari

17413 Topshirish vaqti — 21.00

O'zA yakuni — 03.25

Topshirilgan vaqti — 03.30

Sohuvda erkin narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7433

1 2 3 4 5